**2007 йил, 5 сентябрь, чоршанба**

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 173 (10.982)

Баҳоси эркин нархда


## Пойтахтнинг бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида ўрта мактабларнинг ўқитувчилари иштирокида ўтказилган семинар-тренинг ўқувчиларнинг руҳий ҳолатини аниқлашда замонавий педагогик усуллардан фойдаланиш масалаларига бағишланди.

●**ЯККАСАРОЙ** туманидаги Юнус Ражабий маҳалласида туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ туман бўлимлари ҳамкорликларида маҳаллалар фаоллари, фахрийлари, ёшлари иштирокида уюштирилган байрам тадбири юртимиз Истиқлолининг 16 йиллигига бағишланди.

● **ЮНУСОБОД** туман КРИДИ—ногирон оналар ва болалар соғлиғини тиклаш жамияти ташаббуси билан «Иттифоқ» гузарида мамлакатимиз Мустақиллигининг 16 йиллиги ҳамда Ижтимоий ҳимоя йилига бағишланган хайрия тадбири ўтказилди.

● **ҲАМЗА** туманидаги «Само» қаҳвахонасида юртимиз Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда «Тенгдош» маданият уйи ҳамкорликларида ўтказилган адабий кеча ва концерт дастури «Ўзбекистон—боғу бўстон» деб номланди.

●**РЕСПУБЛИКА** Болалар кутубхонасида китобхонлар учун Интернет тармоғи хизмат қиладиган бўлди. Эндиликда мазкур зиё масканида Интернет синфлари ташкил этилади.

●**«БУНЁДКОР»** ёшлар телеклубида «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши ҳамкорлигида тайёрланган «Футбол» лойиҳасининг моҳиятига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

●**ИЖТИМОИЙ** ҳимоя йили муносабати билан 35 нафар бемор болалар Германия шифохоналарида даволанадиган бўлишди.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**



## ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ УЛУҒВОР РАМЗИ

**БУНДАН 16 ЙИЛ МУҚАДДАМ – 1991 ЙИЛ 5 СЕНТЯБРДА МАМЛАКАТИМИЗ ПОЙТАХТИНИНГ БОШ МАЙДОНИГА «МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИ» НОМИ БЕРИЛГАН ЭДИ**

Мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилмоқда. Айниқса, азим пойтахтимизнинг янада яшариб-яшнаб бораётгани, унда амалга оширилаётган ишларнинг суръати ва кўлами кишини ҳайратга солади. Тошкент шаҳрида олиб борилган бунёдкорлик ҳақида гап кетганда, аввало, Мустақиллик майдони кўз олдимизга келади.

Мустақиллик майдони Ватанимизнинг юрагидир. Юртдошларимизнинг, мамлакатимиз меҳмонларининг бу муқаддас гўшани зиёрат қилишида катта маъно бор. Зеро, бу майдон аждодларимиз асрлар мобайнида орзиқиб кутган, бугунги авлодларга насиб этган энг улуғ, энг азиз неъмат — истиқлолимиз рамзидир. Шу боис барчамиз мустақиллик бизга ато этган неъматларнинг нечоғли буюк ва қадрли эканини шу муаззам майдон тимсолида ҳам юракдан ҳис этамиз.

Тарихдан яхши маълумки, давлатчилик рамзи сифатида кўплаб мамлакатлар пойтахтлари марказида бош майдонлар барпо этилган. Мустақиллик майдони янги тарихимизга дахлдордир.

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва бевосита иштирокида қайтадан яратилган Мустақиллик майдони, дастлаб тоталитар тузум асоратларидан бутунлай тозаланиб, «доҳий» ҳайкали ўрнида Ер шари тасвири ва унинг марказида Ўзбекистон харитаси жой олдики, у Мустақиллик монументи дея аталди. Бу дунёда Ўзбекистон деган янги давлат пайдо бўлганининг, унинг ўз танлаган йўли борлигининг ифодаси эди.

Майдонга туташ ҳудудда жойлашган «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси майдон қиёфасига салбий таъсир кўрсатиб келарди. Айниқса, Сенат биноси қуриб битказилиб, илгари ёзнинг жазирамасида оловдек қизиб ётган асфальт ва бетон қопланган бефайз майдон ўрнида салқин фавворалар, кўркам дарахтлар, ям-яшил майсалар ва гуллардан иборат сўлим боғ пайдо бўлгач, бу корхонанинг майдон ҳуснига доғ тушириб турганлиги яққол



намоён бўлди. Шу боис бу ердаги қатор саноат корхоналари бошқа жойга кўчирилди. Шу биргина ўзгариш туфайли серқатнов йўл кенгайиб, атроф кўркамлашди, кишининг баҳридилини очадиган баҳаво гўша пайдо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг юқори палатаси — Сенат биноси ҳам Мустақиллик майдонида қад ростлади. Мазкур улуғвор кошона бош майдоннинг умумий манзарасига уйғунлашди. Бинога кираверишда ўрнатилган маҳобатли тўрт устун, уларнинг тепасида қурилган уч гумбаз асрий анъаналаримиз бардавомлигининг ифодасидир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, мазкур кошона ўзининг улуғворлиги билан давлатимизнинг куч-қудрати ва салоҳиятининг яна бир ифодаси сифатида халқимизнинг ғурур-ифтихорини юксалтиришга хизмат қилади.

Мустақиллик майдонида барпо этилган иншоотлардан яна бири, бу — Эзгулик аркасидир. Арканинг баланд ва мустаҳкам устунлари — мустақил мамлакатимизнинг бақувват таянчлари тимсолидир. Эзгулик аркаси — узунлиги 150 метр, икки томони ўн, ўрта пештоқи ўн икки метр баландликка эга, қатор кетган ўн олтита оқ мармар устунлардан иборат муаззам меъморий мўъжизадир. Эзгулик аркаси ватандошларимизнинг азиз ва муқаддас тимсолига айланди. Шу боис мазкур остонадан ўтадиган ҳар бир юртдошимизнинг қалби шукроналик, эртанги кунга ишонч туйғулари билан тўлади.

2005 йилнинг декабрида Президентимиз Мустақиллик майдонида янги қад ростлаган монумент пойига гулчамбар қўйди. Майдонда истиқлолимизнинг дастлабки кунларида барпо этилган Мустақиллик монументи олдидан фарзандини бағрига босиб турган Бахтиёр она сиймоси жой олди. Бахтиёр она ҳайкалининг ўрнатилиши майдон меъморий ечимидаги ўзига хос ютуқ бўлди. Бу бадиий мажмуа эл-юрт шаън-шавкати, ғурур-ифтихори, миллий давлатчилигимиз тимсолларидан бирига айланди.

Она сайёра ва Бахтиёр Она! Ушбу рамзларда нақадар теран маъно мужассам. Зеро, уларнинг ҳар иккиси ҳам тириклик ва абадият тимсолидирки, биз, инсон фарзандлари Она бағрида туғилиб, ўсиб-улғайиб, кейин она сайёра фарзандларига айланамиз. Оналарнинг энг улуғ нияти нима? Она заминимиз тинч бўлса, фарзандлар соғ-саломат улғайса. Она учун бундан ортиқ бахт борми! Бахтиёр она юз-кўзларида шундай тилак ва ниятлар балқиб турибди.

Юртбошимизнинг таклифига биноан, ўзининг чуқур ва кенг маъно-мазмуни билан барчамиз учун азиз бўлган икки муқаддас қадриятни ўзида мужассамлаштирган ушбу мажмуага ҳуррията, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи — Мустақиллик ва эзгулик монументи деб ном берилди. Зеро, мустақиллик ва эзгулик тушунчаларини бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

*( Давоми 2-бетда).*

## ПАХТА ЯРМАРКАСИ:

## МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

**ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 17-19 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ ТОШКЕНТДА III ХАЛҚАРО ЎЗБЕКИСТОН ПАХТА ЯРМАРКАСИ ВА УНИНГ АРАФАСИДА IV ХАЛҚАРО ПАХТА ВА ТЎҚИМАЧИЛИК КОНФЕРЕНЦИЯСИ БЎЛИБ ЎТАДИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН ПАХТА БЎЙИЧА ХАЛҚАРО МАСЛАҲАТ ҚЎМИТАСИ ВА "COTTON OUTLOOK" ЖУРНАЛИ КЎМАГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИГАН УШБУ ТАДБИРЛАРДА ДУНЁНИНГ ЎНЛАБ МАМЛАКАТЛАРИДАН СОҲАГА ИХТИСОСЛАШГАН КОМПАНИЯЛАРНИНГ ЮЗЛАБ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТИШ ИСТАГИНИ БИЛДИРГАН.**

Тошкентда Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасининг анъанавий тарзда ўтказилиши мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар, шу жумладан пахтачилик соҳасидаги туб ўзгаришларнинг натижасидир. Ярмарка биринчи марта 2005 йилда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилиб, мамлакатимизда пахтани ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш борасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда янги босқични бошлаб берган эди. Ўтган йиллар мобайнида унда иштирок этаётган хорижий ишбилармон доиралар вакилларининг сони муттасил ортиб бораётгани Ўзбекистоннинг жаҳон пахта бозоридаги нуфузи янада ошаётганлигининг яққол далилидир.

Масалан, 2005 йилнинг кузида ўтган Тошкент ярмаркасига 30 мамлакатдан пахта савдоси билан шуғулланадиган 169 вакил келган бўлса, 2006 йили унга 36 давлат, жумладан, Беларусь, Вьетнам, Ҳиндистон, Эрон, Малайзия, Покистон, Туркия, Украина ва Франция каби мамлакатлардан 250 дан ортиқ вакил ташриф буюрди. Шуниси эътиборлики, бу борада мамлакатимиз корхоналари билан ҳамкорлик қилиш истагини билдираётган фирма ва компаниялар орасида Жануби-Шарқий Осиё компаниялари кўпчиликни ташкил қилади. Ушбу минтақа жаҳон тўқимачилик саноатининг марказига айланиб бормоқда.

Таъкидламоқ лозимки, ўтган йиллари пахта ҳосилининг ярмаркага қўйилган қисмлари тўла сотилди. Бу ўзбек пахтасига жаҳон бозорида талаб катталиги ва унинг таклиф этилаётган ҳажми ҳар доим тўла харид қилинаётганини тасдиқлайди. Ўзбекистон дунёда пахта экспорти бўйича иккинчи ўринни эгаллаб келмоқда. Тошкентда ўтажак ушбу халқаро тадбирлар эса ўзбек пахтасининг жаҳон бозорига янада жадал кириб бориши ва келажакда барқарор иқтисодий алоқалар ўрнатилиши учун самарали восита бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида ҳар қандай маҳсулот аввало рақобатбардош бўлиши керак. Сўнгги йилларда мамлакатимизда етиштирилаётган пахта толаси ҳам тоифаси, ҳам микронейри бўйича энг сифатли деб эътироф этилаётгани ва шу боис, айниқса, юксак қадрланиши – Президентимиз Ислом Каримовнинг пахтачиликни ривожлантиришга оид фармон ва қарорлари ижросининг амалдаги самараларидандир. Давлатимиз раҳбарининг бу соҳадаги сиёсати барқарор ишлаб чиқариш ҳажмларини сақлаш ва пахтамизнинг халқаро савдоси учун рақобат муҳитини яратишга асосланган.

Истиқлол йилларида пахтани етиштириш ва қайта ишлашга ёндашув тубдан ўзгарди. Олимларимиз янги навларни яратишда, биринчи навбатда, халқаро бозор талабларини ҳисобга олмоқда. Мамлакатимизда асосан тезпишар, тола чиқиши 40 фоизгача бўлган навлар районлаштирилган. Ўтган йиллар мобайнида мавжуд пахта тозалаш ва уни қайта ишлаш корхоналари модернизация қилинди. Бу эса тола чиқиши ва сифатини ошириш имконини бермоқда. Толани синашнинг дунёдаги энг илғор услуби HVI-тест ҳисобига уни сертификатлаш механизми халқаро стандартлар даражасига етказилди. Эндиликда истеъмолчиларга маҳсулотни жўнатиш ҳудудий пахта терминаллари орқали амалга оширилмоқда.

Изчиллик билан амалга оширилаётган бундай чора-тадбирлар мамлакатимизнинг экспорт бозори географияси янада кенгайишига хизмат қилмоқда. Бугун Ўзбекистон пахта толаси Хитой, Россия, Эрон, Бангладеш, Покистон, Корея Республикаси, Вьетнам сингари кўплаб мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Жануби-Шарқий Осиёда жадал ривожланаётган тўқимачилик саноатининг ўзбек пахтасига эҳтиёжи мунтазам ошиб бормоқда. Мазкур минтақадан ярмаркада қатнашаётган трейдерлар сонининг ошаётгани ҳам буни тасдиқлайди.

Халқаро экспертлар фикрича, анъанавий ярмаркани ўтказиш учун йилнинг энг қулай, яъни пахта толаси бозорида савдо фаоллашган пайти танланган. Унда бевосита иштирок этиш хорижлик ишбилармонларга ўзбекистонлик ҳамкорлар билан тўғридан-тўғри алоқаларни кенг йўлга қўйиш ва янада мустаҳкамлаш имконини беради. Бундай ҳамкорлик эса юксак самаралар бериши табиий.

**(ЎзА)**

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан Президентимиз Ислом Каримов номига кўплаб мамлакатлар раҳбарлари номидан табрик телеграммалари, самимий қутловлар келиши давом этмоқда.**

**● «Камолот» Ёшлар Ижтимоий Ҳаракати Марказий Кенгашида Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» мавзуидаги маърузасини ўрганишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

**● Бойсун туманидаги Дарбанд қишлоғида бир пайтнинг ўзида иккита муҳим иншоот — «Тошгузар—Бойсун—Қумқўрғон» йўналишида «Дарбанд» бекати ҳамда «Ўзбекистон темир йўллари» миллий компаниясининг байрам туҳфаси — 54-мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилди.**

**● Урганч ва Саратов шаҳри ўртасида поезд қатнови йўлга қўйилди. Янги очилган йўналиш бир йўла 700 нафардан ортиқ йўловчини ўз манзилларига етказиш имкониятига эгадир.**

**●Зангиота туманининг Бўзсув қишлоғида ёш фермерлар ва тадбиркорлар ўқув маркази очилди. Уни ташкил этиш учун «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши 16 миллион сўм миқдорида маблағ ажратди. «Ўзгазойл» шўъба корхонаси эса 28 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатди.**

**●Дўстлик шаҳрида улкан савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаси ишга тушди. Ушбу замонавий иншоотни барпо этиш ва жиҳозлаш учун 200 миллион сўм маблағ сарфланди.**

**●Жиззах вилоятининг «Маҳалла» марказида «Фуқаролар йиғини Кенгашининг энг намунали диний-маърифий, маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиси» Республика кўрик-танловининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди. Унда Жиззах, Тошкент, Сирдарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри маҳаллаларининг маслаҳатчилари ўзаро беллашдилар. Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги «Шофайзи боғи» маҳалласи ҳамда Жиззах шаҳридаги Олмазор маҳалласи маслаҳатчилари Малика Маҳмудова ва Маҳфират Бердиевалар бош совринни қўлга киритишди.**

### ЖАҲОНДА

**● Жорий йилнинг 1 сентябрида Францияда ЭТА айирмачиларининг тўрт нафар аъзоси қўлга олинганди. Испания полицияси вакилининг билдиришига кўра, мазкур шахслар кенг кўламли теракт содир этишга тайёргарлик кўрмоқда экан. Каор шаҳрида уларни қўлга олиш чоғида айирмачилар машинасидан 400 килограммга яқин портловчи модда топилган.**

**● Лондон метроси ходимлари уч кунлик оммавий иш ташлаш эълон қилдилар. «Sky News» телеканалининг хабарига кўра жума кунига қадар Буюк Британия пойтахтидаги 12 та метро йўналишидан учтаси ишлайди, холос. Мазкур норозилик намойишларида 2300 киши иштирок этмоқда.**

**● Грецияда ўрмон ёнғинларидан зарар кўрган ҳудудларни тиклаш ишлари бошланди. Бу ҳақда мамлакат ҳукумати вакили Теодорос Руссопулос расман маълум қилди.**

**● Чехия Жануби-ғарбида иккита поезднинг тўқнашиб кетиши натижасида ўн киши жароҳатланган. Ҳалокатга сабаб бўлган нарса поезд машинистларидан бирининг ҳафта кунларини адаштириб юборганлигидир. Натижада кучли тўқнашув юзага келган.**

**● РИА Новости ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Давлат думасига депутатларни сайлаш тўғрисидаги қарорга имзо чекди. Мазкур қарорга кўра сайловлар 2007 йилнинг 2 декабрида ўтказилади.**

**● АҚШ Президенти Жорж Буш кутилмаган ташриф билан Ироққа келди. Президент бу ерда Америка қўмондонлиги вакиллари ва Ироқ Бош вазири билан учрашди. Унга давлат котиби Кондолиза Райс, миллий хавфсизлик масалалари бўйича Президент ёрдамчиси Стивен Хедли ва мудофаа вазири Роберт Гейтс ҳамроҳлик қилмоқда.**

**● Хитойнинг Чунцин шаҳридаги фармацевтика фабрикаларидан бирида ходимлар 25 килограмм бромни фойдаланиш учун олиб кетишаётганда идиш синиб кетган. Натижада 158 киши заҳарланди ва улар зудлик билан шифохонага ётқизилган.**

**● Кеча Покистоннинг Исломобод шаҳридан унча узоқ бўлмаган Равалпиндидаги гарнизон яқинида мудофаа вазирлиги ишчиларини ташийдиган 40-автобус портлатиб юборилиши натижасида 15 киши ҳаётдан кўз юмиб, 10 нафар фуқаро жароҳат олган. Орадан бир неча дақиқа ўтгач эса воқеа жойидан 3 километр узоқликда жойлашган бозорда амалга оширилган террорчилик ҳаракати туфайли беш нафар киши ҳалок бўлди.**

**● Грузия Россияга электр энергияси етказишни вақтинча тўхтатди. Бунинг асосий сабаби электр узатиш тармоғида таъмирлаш ишлари бошлаб юборилганидир. Ушбу ишлар жорий йилнинг сентябрь ойи охирига қадар давом этиши кўзда тутилмоқда.**

# Маънавият — ақл кўзгуси

*Қарор ва ижро*

## МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ УЛУҒЛАЙМИЗ

**МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ, АНЪАНА ВА УРФ-ОДАТЛАРИМИЗНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ, ХАЛҚИМИЗ, АЙНИҚСА ЁШ АВЛОД ҚАЛБИ ВА ОНГИГА ОНА ВАТАНГА МУҲАББАТ, ИСТИҚЛОЛ ҒОЯЛАРИГА САДОҚАТ ТУЙҒУЛАРИНИ ЧУҚУР СИНГДИРИШ МАСАЛАСИ БУГУНГИ КУННИНГ ЭНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИДАН САНАЛАДИ. ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2006 ЙИЛ 25 АВГУСТДАГИ «МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИ ВА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИДА ҲАМ ХУДДИ ШУ МАСАЛАЛАР АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАНГАН. МАЗКУР ҚАРОР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИНИНГ МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАН БЎЛИМИ ТОМОНИДАН ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР ҲАҚИДА «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» КЕНГАШИ МАСЪУЛ КОТИБИ, МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ БЎЛИМИ РАҲБАРИ ҲАЛИМА ЖУМАНИЁЗОВА ҚУЙИДАГИЛАРНИ ГАПИРИБ БЕРДИ.**

— Президентимиз Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, бой маданий ва тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва уни кенг аҳоли орасида тарғиб этиш, ёшларни миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар Маънавият тарғибот марказининг Мирзо Улуғбек туман бўлими томонидан мунтазам равишда амалга ошириб келинмоқда. Айниқса, бугунги кунда Президентимизнинг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори ижросини ҳаётга татбиқ этиш борасида жойларда долзарб мавзуларда маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, анжуманлар, учрашувлар ўтказилмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, тумандаги олий ва ўрта махсус таълим, умумтаълим мактаблари жойлашган маҳаллалар, ҳарбий қисмлар ва барча муассасалар билан ҳамкорликда режа асосида «Таълим соҳасидаги ислоҳотлар», «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурлари, миллий истиқлол ғоясини жамиятнинг барча қатламлари орасида кенг тарғиботини таъминлаш ва маърифий тадбирларни ҳамкорликда олиб боришда туман миқёсида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўқувчи-ёшлар орасида жиноятчилик, қонунбузарлик, гиёвандлик каби салбий иллатларнинг олдини олиш юзасидан олиб борилаётган маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни янада жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида туманда жойлашган ўрта махсус касб-ҳунар коллежларида «Гиёвандликка қарши кураш ойлиги» ўтказилди. Шунингдек, тумандаги таълим муассасалари ва маҳаллаларда «Ўтмишни хотирлайлик», «Аёл ва дин», «Аёл ва дунё», «Оилада аёлнинг ўрни», «Аёл маънавияти» мавзуларида ўтказилган семинарлар қизғин савол-жавоблар, баҳс-мунозаралар остида ўтди. Алпомиш, Ҳумоюн, «Қудуқбоши» маҳаллаларида «Гиёвандликнинг оғир оқибатлари», «Терроризм—аср вабоси», «Диний ақидапарастлик ва миссионерлик» мавзусида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирлар, таниқли шоир ва ёзувчилар билан қизғин мушоира кечалари, давра суҳбатлари ўсмир ёшлар ва ота-оналар иштирокида ўтказилди. Шу билан бирга «Камолот» ЁИҲ туман Кенгаши билан ҳамкорликда ўқув муассасаларида «Диний ақидапарастлик», «Ислом динининг моҳияти», «Диний бағрикенглик—миллатлараро тотувлик», «Жиноят ва жазо», «Ўсмир ва қонун», «Ўз ҳуқуқингизни биласизми?», «Бир жиноят изидан» каби мавзуларда давра суҳбатлари ўтказилди. Бундан ташқари туманда жойлашган таълим муассасалари ва маҳаллаларда таниқли адиб Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан қатор тадбирлар ташкил қилинди.

Маълумки, ёшлар — келажагимиз. Уларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш, маънавиятини юксалтириш энг муҳим вазифаларимиздандир. Зеро, мустақил Ўзбекистонимиз келажаги ана шу ёшлар қўлида экан, уларни ҳар томонлама комил, маънавияти бой инсон қилиб тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирларнинг аҳамияти катта деб ўйлайман. Зеро, юртимиз мустақиллигини авайлаш, Ватан тараққиётини юксалтиришда барчамиз бурчлимиз.

**Дилором ИКРОМОВА**
**суҳбатлашди**

*Маънавият тарғибот марказларида*

## ОИЛА СИРЛАРИ

**ОИЛА — ЖАМИЯТНИНГ МУҲИМ БИР БЎЛАГИ. УНДАГИ БАРҚАРОРЛИК, ОТА-ОНА ХОТИРЖАМЛИГИ, УЛАРНИНГ ЖИСМОНАН ВА МАЪНАН СОҒЛОМЛИГИ, ФАРЗАНДЛАР ТЎҒРИ УНИБ-ЎСИШИ МАМЛАКАТ РИВОЖИДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ. ГАП ОИЛА ҲАҚИДА БОРАР ЭКАН ЮРТБОШИМИЗНИНГ «ОИЛАНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ, ТАРБИЯВИЙ-АХЛОҚИЙ АҲАМИЯТИ, ҚАДР-ҚИММАТИНИ АНГЛАБ ЕТМАСДАН, ОИЛАГА МИЛЛАТ МАНФААТИ НУҚТАИ НАЗАРИДАН ЁНДОШМАСДАН ТУРИБ, ХАЛҚЧИЛ МАФКУРА ЯРАТА ОЛМАЙМИЗ» ДЕГАН ГАПЛАРИНИ ЭСЛАБ ЎТИШ ЖОИЗ.**

Шу мақсад йўлида пойтахтимиздаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи маъмурияти ва Маънавият тарғибот бўлими томонидан амалга оширилаётган ишлар эътиборга лойиқдир.

—Биз кўп йиллардан буён Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, Чилонзор, Шайхонтоҳур туман ҳокимликлари, хотин-қизлар қўмиталари, Маънавият тарғибот марказининг туман бўлимлари билан ўзаро жамоатчилик асосида туманларда маҳалла ва ўқув юртларида маънавий-ҳуқуқий, тиббий-маданий соҳаларда тарғибот ишларини олиб бормоқдамиз,—дейди Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғининг Маънавият тарғибот ишлари бўйича раҳбар ўринбосари Музаффар Жаъфаров.— Шунингдек, фуқароларнинг оилавий саводхонлигини ошириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида Тошкент шаҳар «Оила маросимлари» маркази қошида «Оила — муқаддас Ватан», Чилонзор туманида «Оила — муҳаббат қасри», Шайхонтоҳур туманида «Саодат чамани» мактаблари ташкил этилиб, ҳар ойда машғулотлар давом эттирилмоқда. Ўтган ойда бу мактабларнинг ўқув йили якунланиб, фаол тингловчи, ташкилотчилар рағбатлантирилди.

Яқинда бу мактаблар билан бир қаторда Юнусобод туманида «Оила—жамият таянчи» деб номланган ёш оила қурувчилар мактаби ҳам ўз фаолиятини бошлайди. Мустақиллик йилларида оилаларга, улардаги ўзаро муносабатларни яхшилашга, баркамол авлод тарбияси, ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Юртимизда аҳил, ибратли, бир-бирларига меҳрибон, фарзандлар тарбиясига эътибор билан қаровчи, ҳам жисмонан, ҳам маънан кучли юксакликка эришган оилалар сони кундан кунга ортиб бормоқда. Шуни инобатга олган ҳолда Юнусобод туман ФХДЁ бўлими билан ҳамкорликда мазкур туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими, соғлиқни сақлаш муассасалари, ҳуқуқ-тартибот органлари, диний ташкилотлар ҳамкорлигида «Оила сирлари» деб номланган оила саводхонлиги дорилфунуни ташкил этилди. Ушбу дорилфунуннинг асосий мақсади туманда кенг жамоатчилик орасида ҳуқуқий маданиятни ошириш, оила саводхонлиги ва тарғиботни юксалтириш, оила аъзоларининг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, тиббий ва ҳаётий билимларини ошириш, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оила муқаддаслиги, миллий урф-одатлар, анъаналаримизга содиқлик, оилалар мустаҳкамлигини сақлашга даъват қилиш, ажралишларнинг сабабини аниқлаш, олдини олиш, оилавий келишмовчиликлар, муаммоларини бартараф этишга, ёш оилаларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш чораларини кўришга қаратилгандир.

Дорилфунуннинг илк машғулоти ўтган ойда боғимизда бўлиб ўтди. Унда «Оила сирлари ва муаммолари», «Оиладаги келишмовчилик жараёнлари ва унинг олдини олиш чоралари», «Оила фаровонлиги—миллий фаровонлик асосидир» мавзуларида етук мутахассислар билан амалий машғулот ва баҳс-мунозаралар ўтказилди. Бундан ташқари Фирдавсий номидаги маҳалла гузарида бўлиб ўтган дорилфунуннинг навбатдаги машғулоти Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг аҳамияти, мазмун-моҳияти ва ижросига бағишланди. Унда «Ёш оила мустаҳкамлиги—фаровонлик асоси», «Кредит ва имтиёзлар», «Ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш тартиби» ва «Исломда оила ва аёллар ҳуқуқининг ҳимояси» мавзуларидаги маърузалар тингланди.

Дарҳақиқат, оила муҳташам қаср, унинг ўз анъаналари, тартиб-қоидалари, қадриятлари мужассам. Ва айни пайтда бу қаср ниҳоятда кучли эътиборни, ҳимоя ва қўллаб-қувватлашни тақозо этади. Бу эса барчамизнинг олдимизда турган муқаддас бурчимиздир.

**Умид ҒОФУРОВ**






**СУРАТЛАРДА: «Оила сирлари» ўқув машғулотидан лавҳалар.**

*Таълим масканларида*

## КАМОЛОТГА ИНТИЛГАН ЁШЛАР

**МАМЛАКАТИМИЗДА ЁШ АВЛОД КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАРГА БИР НАЗАР СОЛАДИГАН БЎЛСАК, АЛБАТТА БУГУНГИ КУН ЁШЛАРИНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА БИЛИМ ВА ҲУНАР ЭГАЛЛАШЛАРИ УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИЛАЁТГАНЛИГИГА ГУВОҲ БЎЛАМИЗ. ШАҲРИМИЗДА ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТЛАРИНИ УНУМЛИ ВА МАЗМУНЛИ ЎТКАЗИШЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ИСТЕЪДОДЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАБ, БИЛИМ ВА МАЛАКАЛАРИНИ ОШИРИШЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАР ИЖОДИЁТИ МАРКАЗЛАРИНИНГ РОЛИ БЕҚИЁС БЎЛМОҚДА.**

Мирзо Улуғбек туман Ўқувчилар ижодиёт марказига ҳам бугунги кунда 4 ярим мингга яқин ёшлар аъзо бўлиб, ушбу марказда фаолият юритаётган 125 турдаги турли хил йўналишлардаги тўгаракларга қатнаб, билим ва иқтидорларини оширмоқдалар. Тўгараклар Ўқувчилар ижодиёти марказидан ташқари тумандаги мактаблар қошида ҳам ташкил этилган бўлиб, булар— расомчилик, изо,миниатюра, тикиш-бичиш, бисер, зардўзлик, юмшоқ ўйинчоқлар ясаш, компьютер, инглиз тили, логика, рақс, эстрада, миллий эстрада, хор, вокал чолғу асбоблари ва бошқалардан иборат. Ўқувчилар мазкур тўгаракларда ўз касбининг етук мутахассислари, моҳир педагоглардан таҳсил олишмоқда. Айниқса, марказ қошидаги тўгаракларда Шоира Абдужабборова, Гулчеҳра Эрматова, Лола Лутфуллаева,Саодат Имомова каби моҳир педагоглар ўқувчиларнинг бўш вақтларини унумли ва самарали ўтказиб, истеъдодларини бойитишларида жонкуярлик билан сабоқ бериб келишмоқда.

— Бугунги кунда марказимиз қошида иқтидорли болалар учун янги «Кичкинтой» академияси ҳам ташкил қилинган бўлиб, бунга 4 ёшдан 6 ёшгача бўлган кичкинтойлар қабул қилинмоқда. Ҳозирда 100 нафар бола аъзо бўлган академияда 8 та йўналиш бўйича турли миллат болалари мактабга тайёрланмоқдалар. Марказда жаҳон таълим стандартлари асосида ёшларга таълим берилади,—дейди биз билан суҳбатда Мирзо Улуғбек туман Ўқувчилар ижодиёт маркази раҳбари Гулираъно Абдураззоқова.— Шуни ҳам таъкидлаш керак, марказимизда олтита бўлим мавжуд бўлиб, бадиий, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш,амалий, услубиёт, спорт-техник ва маънавият тарғибот бўлимлари шулар жумласидандир. Мақсадимиз, ёш авлодни она Ватанга садоқатли, иймон-эътиқодли, мард ва жасур, юқори малакали, маънавияти юксак инсонлар қилиб тарбиялашдан иборат.

— Ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ва мароқли ўтказиш мақсадида Мирзо Улуғбек туманидаги 207, 225, 35, 112-мактабларда туман халқ таълими, Маънавият тарғибот бўлимлари, «Камолот» ЁИҲ, «Маҳалла» жамғармаси, туман Касаба уюшмалари Кенгаши ҳамкорлигида ёз мавсумида мазкур ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида турли хил маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди,—дейди Ўқувчилар ижодиёт маркази Маънавият тарғибот бўлими етакчи мутахассиси Ширмоной Асранова.— Айниқса, «Биз бахтли болалармиз», мавзусидаги расмлар чизиш танлови, «Нон—ризқу рўзимиз» саҳналаштирилган байрам дастури, «Гиёвандликка қарши кураш куни»га бағишланган спорт мусобақалари, «Дўст билан обод уйинг» турли миллат ва элатларнинг куй-қўшиқлари, «Яшил чироқ—2007» сингари мавзуларда ўтказилган маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақаларида болалар катта қизиқиш билан фаол иштирок этдилар. Бундан ташқари таниқли ёзувчи ва шоирлар, спорт усталари билан учрашувлар, қизиқарли суҳбатлар ташкил этилди.

Ҳа,албатта бу каби тадбирларнинг аҳамияти катта. Зеро бундай тадбирлар фарзандларимизнинг маънавий баркамол, миллий тарбия йўналиши орқали ўзликни англаш, ватанпарварлик, миллий ғурур, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбияланишида муҳим омил бўлиши, шубҳасиз. Бугун қандай кўчат эксак, эртага шундай мева оламиз. Шундай экан, ёшларни юксак маънавиятли, комил инсон қилиб тарбиялаш бизнинг олий мақсадимиздир.





**Гулором ҲАМИДОВА**

**СУРАТЛАРДА: Мирзо Улуғбек туман Ўқувчилар ижодиёти уйи қошидаги «Кичкинтой» академияси аъзолари.**

## БЎШ ВАҚТ МАЗМУНИ

**МАЪНАВИЯТ ИНСОННИ МУАЙЯН ТАРТИБ-ҚОИДАЛАР АСОСИДА ЯШАШГА УНДАЙДИ. ЧУНКИ ТАРТИБ-ҚОИДА БЎЛГАН ЖОЙДА МАЪНО-МАЗМУН БЎЛАДИ. ҲАЁТНИ МАЪЛУМ ТАРТИБ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ЗАРУРАТИ ИНСОННИ ВАҚТ БИЛАН ҲИСОБЛАШИШГА, УНИНГ ҚАДРИГА ЕТИШГА ДАЪВАТ ЭТАДИ. ВАҚТ МАЪНОСИ ҚАДИМ-ҚАДИМДАН ИНСОНИЯТНИ ЎЙЛАНТИРИБ КЕЛАДИ. УЧ ОЙЛИК ТАЪТИЛ ҲАМ ТУГАДИ. ХЎШ УЧ ОЙ ИЧИДА ЁШЛАР НИМА ИШЛАР БИЛАН МАШҒУЛ БЎЛИШДИ.**

Буюк мутафаккирларимиз вақтга турлича таъриф берганлар. Вақтни қадрлаш халқимизнинг мақол ва ҳикматларида ҳам ўз аксини топган. «Вақтинг кетди — накдинг кетди», «Фурсат — оқар сув», «Вақт — одил ҳакам» каби мақол ва ҳикматлар шулар жумласидандир.

Вақтдан унумли фойдаланиш, вақт мезони асосида ҳаракат қилиш — маънавиятнинг муҳим омилларидан бири. Вақтдан тўғри фойдаланишда унинг ҳар бир дақиқасини мақбул равишда тақсимлаш муҳим ўрин тутади. Бўш вақт инсоннинг баркамол шаклланишига хизмат қиладиган бебаҳо бойликдир. Шунинг учун уни ташкил этиш фақат шахсий иш бўлиб қолмасдан, балки ижтимоий аҳамиятга молик масала ҳамдир. Шу боис бўш вақтни тўғри ташкил этиш ҳар бир одамдан қунт ва сабот талаб этади.

— Менинг бўш вақтим жуда оз, — дейди Дилноза Акбарова. — Ўзбекистон ДЖТ университетининг халқаро журналистика факультетида ўқийман. Шунинг учун ҳам мен амалиёт ишимни телевидениеда ўтадим, у ерда жуда кўп нарсаларни ўргандим.

— Менинг таътил кунларим мазмунли ва қизиқарли ўтди, — дейди талаба Гулбаҳор Аҳимбетова. — Ҳар бир инсоннинг ўзига яраша қиладиган ишлари бўлади. Тўғри беш қўл баробар эмас, баъзи ёшлар ўз бўш вақтларини ҳар хил компьютер ўйинларию дискотекаларда ўтказишяпти. Бу ҳам, албатта, нотўғри. Шунинг учун инсон аввал ўз кундалик тартибини тузиб олиши керак. Менимча шунга амал қилса, куни жуда мазмунли ўтади. Инсоннинг кундалик ҳаёти қатъий асосда ташкил этилган тақдирдагина бекорчиликка, зерикишга ўрин қолмайди. Француз ёзувчиси Стендальнинг «Бекорчилик зерикишнинг онасидир», деб таъкидлагани бежиз эмас. Бекорчилик турли жиноятлар содир этишнинг, ичкиликбозликка, кашандаликка ружу қўйишнинг, маънавий нопок ишларга қўл уришнинг омилидир. Хуллас, бўш вақтни шундай ташкил этиш лозимки, инсонда нопок иш қилишга ортиқча вақт қолмасин.

**Нодира МИРСАЪДУЛЛАЕВА,**
**ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси**

## ЙЎЛЛАРДА БОЛАЛАРИМИЗНИ АСРАЙЛИК!

**ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ БОШЛАНИШИ БИЛАН КЎЧАЛАР ВА ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ БОЛАЛАР БИЛАН ГАВЖУМЛАШДИ. БУНДАЙ ШАРОИТДА ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИНГ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЯНАДА ДОЛЗАРБ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.**

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан тегишли ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда анъанавий «Диққат, болалар!» тадбири бошланди.

Янги ўқув йилининг дастлабки ўн кунини қамраб оладиган ушбу тадбир доирасида йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, жамоат тартибини сақлашга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказилаётир.

Уни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида республикамиздаги мавжуд мактабларнинг ҳар бирига йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати инспекторлари бириктирилди. Транспорт қатнови гавжум кўчаларда жойлашган мактаблар атрофи ҳамда болалар нисбатан кўпроқ фойдаланадиган йўлларда ҳам инспекторлар хизмати йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, тадбир доирасида ўқув муассасаларининг ён-атрофидаги йўллар ҳолати яхшиланиб, йўл белгилари янгиланди. Мактабларда ўқувчилардан ташкил этилган “Ёш автоназоратчилар” гуруҳлари бу борадаги ишларни амалга оширишда соҳа ходимларига яқиндан ёрдам беради.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ЭРОН ФИЛЬМЛАРИ ФЕСТИВАЛИ

**ПОЙТАХТИМИЗДАГИ КИНОЧИЛАР УЙИДА «ЎЗБЕККИНО» МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ ҲАМДА ЭРОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ЭРОН ФИЛЬМЛАРИ ФЕСТИВАЛИ БОШЛАНДИ.**

Тадбирнинг очилишида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари кўплаб соҳаларда бўлгани каби кино санъати йўналишида ҳам ривожланиб бораётгани таъкидланди. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган аҳдлашувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу ҳафта охиригача давом этадиган фестивалда эронлик киноижодкорлар суратга олган “Бир бурда нон”, “Бўри ва қўзи”, “Ёмғир” деб номланган ўнга яқин бадиий фильм намойиш этилиши мўлжалланган.

**(ЎзА)**

## ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ МАНГУ

**ПОЙТАХТДАГИ ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ ЎДГОРЛИК МАЖМУАСИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ТОМ МАЪНОДАГИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ МАСКАНИГА АЙЛАНДИ.**

Хиёбонда қатағон қурбонлари хотираси музейи бунёд этилган бўлиб, ўша даврни кўз ўнгимизда ёрқинроқ намоён этиш имкониятига эга бўлган далилий ашёлар ва экспонатлар билан бойитилиб борилмоқда. Мустақиллик учун жонини фидо қилган юрт фарзандлари фаолияти хусусида бугунги мактаб ўқувчилари тўлиқроқ маълумотга эга бўлиши ёш авлодни ватанпарварлик, юртга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам ҳар йили пойтахт мактабларининг ўқувчилари мустақиллик дарсини очиқ тарзда ана шу сингари табаррук жойларда ўтказиши анъана тусини олган. Жорий йилги биринчи ўқув дарси ҳам шундай бошланди. Дастлаб ўқувчилар ушбу мажмуадан ўрин олган Шаҳидлар хотираси ёдгорлиги мажмуига гуллар қўйиб, ўтганлар ёдини эсга олишди. Шу ернинг ўзида очиқ дарс ўтказилди. Тошкент Ислом университети қошидаги хорижий тилларга ихтисослашган мактаб гимназияси ўқувчилари ҳам янги ўқув йилидаги биринчи дарсни айнан Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуасида ўтказишди. Дарс давомида ўқувчиларга мажмуанинг барпо этилиши, бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, ўтмиш ҳақида ҳикоя қилувчи тарихий экспонатлар ва қўлёзмалар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

**Рустам ҲАЙДАРОВ,**
**“Туркистон-пресс”**

## ВИДЕО ЭНЦИКЛОПЕДИЯ

**ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШ ВА ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК РЕСПУБЛИКА ТАШХИС МАРКАЗИ ТУРЛИ МЕТОДИК АДАБИЁТЛАРНИ ЧОП ЭТИШ БИЛАН ҲАМ ШУҒУЛЛАНМОҚДА. МАРКАЗ МУТАХАССИСЛАРИ ИЗЛАНИШЛАРИ БИЛАН КАСБ-ҲУНАР ЙЎНАЛИШИГА ҚАРАТИЛГАН ЭЛЕКТРОН ҚЎЛЛАНМАЛАР ЮЗАГА КЕЛДИ.**

«Касблар олами» деб номланган видео энциклопедиянинг тайёрланиши ҳам марказ ютуғи бўлди. Мультимедиа воситалари сифатида «Касбларнинг компьютер банки» қўлланмаси чоп этилди.

Янги ўқув йилига совға сифатида «Мактабгача ёшдаги болаларни психологик-педагогик кузатув дафтари», «Касбий ва шахсий ривожланиш харитаси» каби ташхис методикасига оид материаллар кўплаб босиб чиқарилди.

## ЯНГИ ДАРСЛИК ТАҚДИМОТИ

**ХАЛҚАРО НУФУЗГА ЭГА БЎЛГАН Г.В.ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ АКАДЕМИЯСИ ЯҚИНДА ЎЗИНИНГ ЮЗ ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАДИ. ШУ САНА МУНОСАБАТИ БИЛАН АКАДЕМИЯ ИЛМИЙ-ЎҚУВ ФАОЛИЯТИНИ АКС ЭТТИРУВЧИ ҚАТОР КИТОБЛАР БОСМАГА ТАЙЁРЛАНДИ.**

«Давлат назарияси ва ҳуқуқи» деб номланган дарслик ҳам чоп этилди. Янги нашрнинг юзага келишида йирик мутахассис олимлар муаллифлар янглиғ катта меҳнат қилдилар. Улар орасида ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар ҳам бор. Шу санага бағишлаб, академиянинг Тошкент филиалида ўтказилган халқаро конференция ҳамда «Давлат назарияси ва ҳуқуқи» дарслигининг тақдимоти ҳам уюштирилди. Унда сўзга чиққанлар мазкур дарслик иқтисодий таълим мутахассислари учун фойдали ўқув адабиёти бўлиб хизмат қилишини мамнуният билан таъкидладилар.

**Акбар АЛИЕВ**

